

Таъзия



15:24 / 04.03.2023 2228

Юртимизда кўп йиллар мобайнида диний-маърифий соҳада хизмат қилган Тошкент шаҳридаги "Абу Бакр Қаффоли Шоший" жомеъ масжиди имом-хатиби Қурбонали домла Турсуновнинг вафоти муносабати билан уларнинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига, чуқур ва самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг барча яқинларига, шогирдларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси